103598

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 17 апрель жума

Сотувда эркин нархда
№ 78 (1859)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 апрель куни Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Иван Рибкинни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлик, хусусан, МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг Москвада бўлажак Саммити билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди. И. Рибкин Москва учрашувига кўрилаётган тайёргарлик тўғрисида ахборот берди.

Учрашувда МДҲ доирасидаги ҳамкорлик ўзаро тенглик асосига қурилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**С. ЗУФАРОВ олган сурат.**

### ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИРҒИЗИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

## АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

**Тарихий илдизлари, тили, дини бир бўлган ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий дўстлик заминида маданий-маънавий уйғунлик ётади. Диёримизда бошланган Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари ана шу маданиятлар қардошлигини янада юксак босқичга кўтариши шубҳасиз.**

16 апрель куни эрталаб Тошкент аэропортида Қирғизистон Республикаси Давлат котиби Э. Абдураззоқов бошчилигидаги расмий делегацияни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, маданият ишлари вазири Х. Жўраев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар, ўзбек диёрида самимий қутладилар.

Қирғизистон маданияти кунлари қатнашчиларининг санъат ва маданият арбоблари, ижодкорлар, бадиий жамоалардан иборат катта гуруҳи эса Тошкент вилояти Чимкент йўналишидаги чегарада кутиб олинди. Шу ернинг ўзидаёқ дўстлик концерти бошланиб кетди. Қирғизистонлик санъаткорлар "Ўзбекрақс" бирлашмаси раққосалари ва пойтахт вилоят бадиий ҳаваскорлик жамоалари билан биргаликда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Меҳмонларнинг пойтахт билан танишуви Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйишдан бошланди. Делегация аъзолари, санъат, маданият арбоблари, ёзувчи ва шоирлар Миллий боғ, Олий Мажлис, Халқлар дўстлиги саройи бинолари бир-бирларига ниҳоятда монанд барпо этилганлигини айтиб, Тошкент нафақат дўстлик, айни чоғда катта бунёдкорлик шаҳрига айланганини таъкидладилар.

Гул қўйиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев, Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б. Сидиқов иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида мамлакатимизда Қирғизистон маданият кунлари доирасида "Қирғизистон: ўтмиш ва замонавийлик" мавзуида кўргазма очилди. Унда Қирғизистон Республикаси Миллий кутубхонаси фондида сақланаётган қирғиз, инглиз ва бошқа тиллардаги 300 дан зиёд бадиий ва илмий китоблар, безакли нашрлар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида таниқли қирғиз адиби Ч. Айтматов, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Х. Жўраев сўзга чиқиб, бу тадбир икки халқ маданиятини янада яқинлаштиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида Қирғизистон амалий санъат усталари асарларининг кўргазмаси очилди. Жумабой Уметов, Тўхтағул Қосимов, Аҳмад Ҳасанов ва бошқа рассомларнинг асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жаҳон кино санъатида қирғиз киносининг ўз ўрни бор. Қардошларимиз суратга олган "Момо ер", "Оқ кема", "Ўлан" каби фильмларни нафақат Марказий Осиёда, балки бошқа хорижий мамлакатларда ҳам севиб томоша қилишади. Мустақиллик йилларида қирғиз киноси тараққиёти учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Қирғизистоннинг бугунги ҳаётини акс эттирувчи қатор бадиий ва ҳужжатли асарлар яратилди.

Республика Кинночилар уйида бўлиб ўтган қирғиз киноси ҳафталигининг очилишида шулар ҳақида гап борди. Қирғизистонлик ижодкорлар ҳафталикка "Аждодлар водийси", "Севги сароблари", "Оқ қоплон авлоди" бадиий ҳамда олтита ҳужжатли фильмлар олиб келишган.

Шу куни Э. Абдураззоқов бошчилигидаги Қирғизистон делегацияси аъзолари республика байналмилал маданият марказига ташриф буюрдилар. Учрашувда меҳмонлар байналмилал марказ ҳамда унинг қошидаги қирғиз маданий маркази фаолияти билан танишдилар. Сўзга чиққанлар миллатлараро дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашда миллий маданий марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳим омил бўлаётганини айтиб ўтдилар.

**(ЎзА)**

## АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари давом этмоқда. Ушбу тадбир доирасида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети маданият саройида атоқли адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов билан учрашув бўлиб ўтди.

Уни университет ректори, академик Т. Долимов очди.

Учрашувда сўзга чиққан Ч. Айтматов ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги абадий дўстлик, Ўзбекистонда бошланган Қирғизистон маданияти кунларининг аҳамияти тўғрисида сўзлади. Бундай тадбирлар маданият, санъат, умуман ижод аҳли ўртасидаги борди-келдилар халқлар, маданиятлар, алалоқибат давлатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Адиб ўз сўзида Ўзбекистонда кечаётган жараёнларга алоҳида тўхталиб, уларни мисли кўрилмаган ўзгаришлар, деб атади. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида халқимиз катта ишонч билан ўзининг буюк келажагини қураётганлигини алоҳида таъкидлади.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚАДИМИЙ ҚАРДОШЛИК





Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Қирғизистон маданияти кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат мадҳиялари янгради.

— Серқуёш Ўзбекистон заминида қардош қирғизистонлик меҳмонларни республикамиз Президенти ва ҳукумати номидан табриклашга ижозат бергайсизлар, — деди Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев. — Бугун муҳташам "Туркистон" саройида учрашиб турганимизнинг ҳам рамзий маъноси бор. Мустақиллик Туркистон халқларининг, жумладан, ўзбек ва қирғизнинг ўзаро яқинлашувига имкониятлар яратиб берди. Бу имкониятни тўғри англаб етиш ва уни халқларимизнинг ҳар жиҳатдан ривожланган жамият қуриш йўлидаги интилишларига хизмат эттириш бизнинг энг масъулиятли, энг шарафли ишимиздир. Мамлакатларимиз раҳбарлари Ислом Каримов ва Асқар Акаев имзолаган иккала давлат ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар бунинг ёрқин мисолидир.

— Азиз ўзбекистонлик биродарларим. Республикангизда Қирғизистон маданияти кунларига катта эътибор берилаётганидан ғоят хурсанд бўлдик, — деди Қирғизистон Республикаси Давлат котиби Э.Абдураззоқов. — Қирғиз ва ўзбек минг йиллардан бери бир-бирини тушуниб, дўст-биродар бўлиб яшаб келмоқда. Бу катта бойлик. Ана шу бойликнинг қадрига етиш лозим. Ўзбекнинг санъати ва маданияти бизнинг халқимизга жуда яқин. Ўзбекистонга келганда биз бегона юртга эмас, қардошлар диёрига, оға-иниларимиз бағрига келгандек сезамиз ўзимизни. Бугун бошланган Қирғизистон маданияти кунлари икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаб, санъаткорлар, адиблар, барча ижод аҳлини ва умуман халқларимизни бирлаштиришга муҳим ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Қирғизистонлик меҳмонлар ўзбек қардошларига Қорли Олатов ва унинг яйловлари акс эттирилган тасвирий санъат асарини тақдим этди. Уларга ўзбек кулоллари ясаган рангдор кўза совға қилинди.

Тадбир қирғизистонлик санъат усталари концерти билан якунланди.

Қирғизистон маданияти кунлари очилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

**(ЎзА)**

***СУРАТЛАРДА: Қирғизистон маданияти кунлари очилиши маросимидан лавҳалар.***

**М. АМИН, А. РИСҚИЕВ**
**олган суратлар.**

## ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг ислоҳотлар боришининг 1998 йил биринчи чорак якунларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, компаниялар ва идоралар раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуи котибиятининг масъул ходимлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев, "Ўзфармсаноат" концерни раиси Қ. Шодиев, Фан ва техника Давлат қўмитаси раиси П.Ҳабибуллаев, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Ш. Ёрматов ва бошқалар кўрилган масала юзасидан сўзга чиқди. Ўзлари раҳбарлик қилаётган вазирлик, қўмита, компания, жамоат ташкилотларида жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ҳақида гапирдилар.

Мажлисда шу йилнинг биринчи чорагида ижтимоий соҳада сезиларли ютуқларга эришилгани, ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда оила манфаатларини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш борасида бир қанча ишлар қилингани, вилоятларда, туманлар ва шаҳарларда бу соҳаларда кўплаб тадбирлар ўтказилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, ислоҳотларни амалга оширишда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Жойларда "Таълим тўғрисида"ги Қонунни, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга тўла татбиқ этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Жамоат ташкилотлари, ёшларнинг маънавий ва маърифий тарбиясига алоқадор вазирликлар ҳамда идоралар жамиятда рўй бераётган ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри таҳлил эта олмагани учун баъзи ёшлар турли гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушиб қолмоқда.

Баркамол инсон, айниқса ёшлар тарбиясида санъатнинг ўрни ғоят муҳимдир. Аммо санъатга алоқадор ташкилотларда бу ишга эътибор талаб даражасида эмас. Ўзбекнинг бугунини, эртасини кўрсатиб берадиган санъат асарлари жуда кам.

Соғлиқни сақлаш, фармацевтика соҳасида ҳам талай камчиликлар мавжуд. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилмаяпти. Касалхоналарни, хусусан, қишлоқ шифохоналарини дори-дармонлар билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилмоқда.

Мажлисда ушбу камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

**(ЎзА)**

## МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРЛИ ҲАМКОРЛИК

### Белгия Қироллиги бош вазири Жан Люк Деханенинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи олдидан

Белгия сайёрамизнинг аҳолиси энг юқори турмуш даражасига эга ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Унинг саноати юқори технологик даражаси билан характерланиб, ўз маҳсулотининг жаҳон бозорида юқори даражадаги рақобатбардошликка эгалигини таъминлайди. Энг замонавий технологияларнинг жалб этилиши, экспортга кенг ўрин бериш (маҳсулотнинг учдан икки қисми мамлакатдан ташқарига чиқарилади, бу Европа Иттифоқидаги энг юқори кўрсаткич), кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш (кичик корхоналар иш жойларининг ярмини таъминлайдилар) давлат томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилади.

Саноатнинг 40 фоизини давлат сектори ташкил этади. Унинг асосий қисми металлни қайта ишлаш ҳамда машинасозликда, озиқ-овқат, кимё ва тўқимачилик соҳаларида, уй-жой ва фуқаро қурилишларида жамланган. Мамлакат иқтисоди ривожланган энергетика ва наклиёт инфратузилмаларига эга (автомобиль ва темир йўлларнинг сертармоқлиги бўйича дунёда биринчи ўринда). Асосан ўрта ва майда фермер хўжаликларидан иборат қишлоқ хўжалиги мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 3 фоиздан камроғини ишлаб чиқаради.

Белгия сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Европа Иттифоқи аъзо-давлатлари билан муносабатларни мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бу борада қироллик ташқи ишлар вазири Эрик Дерик: «Белгиядек кичик мамлакат учун Европа Иттифоқи доираларидаги Умумевропа интеграция жараёнларига қўшилишдан ўзга йўл йўқ», – деб ҳисоблайди... Улар бор-йўғи ҳозирги замоннинг объектив қонуниятларини яхши англайдилар. Шу сабабли уларнинг ҳукумати Белгиянинг Европанинг биринчи мамлакатлари қаторида Иқтисодий ва монетар иттифоққа киришини таъминлашга катта куч сарфламоқда.

Барча қўшнилар Белгиянинг Европа интеграцияси ишидаги интилишларига хайрихоҳлик билдирмоқдалар. Чамаси, мамлакат пойтахти Брюсселнинг анчадан буён Европа пойтахти сифатида ҳам тушунилишига худди шу нарса сабаб бўлган, чунки бу ерда Европа Иттифоқининг, бошқа халқаро тузилмаларнинг кўпчилик раҳбар идоралари, шу жумладан НАТО штабквартираси жойлашган.

Ўзбекистон билан Белгия ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг бошида ўрнатилган. Ўша вақтдан бери ўтган йилларни икки томонлама ҳамкорликнинг фаол ривожланиш даври дейиш мумкин. Унга Президент Ислом Каримовнинг 1996 йилнинг ноябрь ойидаги Белгияга расмий ташрифи кучли таъсир кўрсатди. Брюсселда қирол Алберт II ва бош вазир Жан Люк Дехане билан бўлиб ўтган музокаралар, парламент аъзолари ва ишбилармон доиралар вакиллари билан бўлган учрашувлар, ташриф чоғида имзоланган битимлар ҳамкорлигимизга янги сифат бахш этди.

Белгиянинг Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик битими имзоланишининг энг изчил тарафдорларидан бири бўлганини эслатиш ўринли. Айтгандек, охирги икки сўз икки томонлама алоқаларимизга ажойиб баҳо беради. Ўзбекистон билан Белгия ўртасидаги товар айирбошлаш ўтган йили 150 млн. АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Белгия сармояси иштирокидаги тўртта қўшма корхона фаолият юргизмоқда ва қатор етакчи ширкатлар ваколатхоналари очилган.

Ўзбекистонлик тадбиркорлар ва давлат ходимлари Белгия тажрибасини ўрганмоқдалар. Тўрт йил аввал уни бевосита республикамизнинг қатор вилоят ва туманлари ҳокимлари ўрганиб чиқдилар. Кейинчалик ўзбек божхона ва солиқ ходимлари, ишбилармонлари уларнинг давомчилари бўлдилар. Белгия ишбилармон доиралари вакиллари ҳам мамлакатимизнинг доимий меҳмонлари ҳисобланадилар.

Бундай мунтазам алоқа нафақат икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши учун бебаҳо аҳамият касб этади. Бизни Белгиянинг минтақавий интеграциядаги тажрибаси қизиқтиради. Белгиянинг сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги тажрибасида ҳам биз учун ниҳоятда фойдали ва ўрганса арзигулик жиҳатлар бор.

Қарийб бир ярим аср мобайнида Белгия уч минтақа – Фландрия, Валлония ва Брюсселнинг анчайин мухториятини сақлаган ҳолда унитар давлат бўлиб келган. 1989 йилда мамлакатда Белгияни федератив давлатга айлантириш кўзда тутилган ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳотларнинг меъморларидан бири сифатида мамлакатнинг ҳозирги бош вазири Ж. Л. Деханени кўрсатадилар. У қиролликнинг ҳозирги федератив тузумининг мустаҳкамланишининг изчил тарафдори ва айрим сиёсий партияларнинг сепаратистлик кайфиятларини қатъий рад этади. Унинг баъзан ҳам ички, ҳамда халқаро ишларда юзага келадиган кескин вазиятларни енгиш маҳорати кўпчилик томонидан юксак баҳоланади.

Кўпчилик Деханени ислоҳотчи деб атайди. Унинг ўзи бу хусусда: «Ислоҳотлар тез ўтказилиши керак, аммо улар апил-тапил амалга оширилмаслиги керак», – дейди. Бундай ёндашувнинг Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар билан тўла ҳамоҳанглигини эслатмай бўлмайди. Шубҳа йўқки, Белгия бош вазирининг Ўзбекистонга бўладиган ташрифи мустаҳкам асосли ҳамкорлигимизнинг тадрижий ривожига қўшимча туртки беради.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси.**

## ЭЛЧИХОНАДА УЧРАШУВ

Апрель ойи бошида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида «Ўзбекистоннинг сиёсий йўналишлари ва иқтисодий илоҳотлари самаралари» мавзуида анжуман ўтказилди. Тадбирда АҚШнинг нуфузли «Конгресс ҳуқуқий ходимлари уюшмаси» аъзолари қатнашдилар. Уюшма 1986 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг ишида АҚШ конгресси аъзолари, уларнинг маслаҳатчилари ва ёрдамчилари, конгресснинг кўплаб комитетлари ходимлари қатнашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Сафоев республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, эришилган муваффақиятлар ва галдаги вазифалар, шунингдек барқарорликни таъминлаётган мустақил сиёсий йўналишлари тўғрисида йиғилганларга гапириб берди. Маърузачи Ўзбекистон ва АҚШнинг икки томонлама алоқалари, шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида Вашингтонда ўтказилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни қамраб олган Икки томонлама қўшма комиссия мажлиси натижалари хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Сўзга чиққан «Конгресс ҳуқуқий ходимлари уюшмаси» вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ижобий баҳо бердилар.

Анжуман сўнггида «Конгресс ҳуқуқий ходимлари уюшмаси» аъзоларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берилди.

**«Жаҳон»АА.**

# "УМИД"НИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ижрочи директори Маннон Раҳимов билан суҳбат**



***Мустақил мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол ёш авлодни вояга етказиш, уларнинг билимли, юксак малакали мутахассислар бўлиб тарбияланиши учун шарт-шароит яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим масаладир. Таълим тизимида жорий этилган тест синов услуби, замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастур қабул қилингани, иқтидорли ёшларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани ана шундан далолат беради. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Умид" жамғармаси қобилиятли ёшларимизнинг чет эллардаги нуфузли ўқув даргоҳларида таълим олишларига кўмаклашади. М.Раҳимов билан суҳбатимиз жамғарма олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши, бугунги кундаги фаолияти, миллатимиз вакилларининг чет эллардаги ўқиши қандай кечаётгани хусусида бўлди.***

**— Маннон ака, сиз мутасадди бўлган мазкур жамғарманинг ташкил этилиши, мақсад ва йўналишлари хусусида қисқача сўзлаб берсангиз.**

— Мамлакатимизда тарихий ўзгаришларни, ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, маънавий баркамол, ватанига фидокорона хизмат қиладиган, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, истиқлол ғояларига садоқатли миллий кадрлар зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Юртбошимиз томонидан ташкил қилинган "Умид" жамғармаси олдига қўйилган асосий вазифа ҳам ана шундай истеъдодли, она юртини улуғлашга қодир йигит-қизларни топиш, уларни дунёнинг етакчи давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқитиб, халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар қилиб тайёрлашдир.

Бу вазифани амалга оширишда юқорида зикр этилган фазилатларга эга бўлган ёшларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ариза топширган ҳар бир йигит-қиз махсус танлов босқичлари асосида бир неча турдан иборат имтиҳонлардан ўтади. Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг иккинчи, учинчи босқичларида таҳсил олаётганлар бакалаврлик, битирувчи курс талабалари, корхона ва ташкилотларнинг олий маълумотли ёш ходимлари эса магистрлик учун ўтказиладиган танловларда қатнашиши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, таълим масалалари билан шуғулланадиган чет эл ташкилотлари улардан хорижий тилларни аниқлаш бўйича тест синовлари олади. Бу ишга Таълим ва тил ўргониш бўйича АКСЕЛС (АҚШ), Британия кенгаши (Буюк Британия), Немис академик алмашув хизмати (Германия) каби халқаро ташкилотлар ҳамда Франция, Япония ва Италия элчихоналари вакиллари жалб этилади. Шунингдек, даъвогарлар танлаган мутахассислиги бўйича компьютер тестидан, суҳбатдан ўтказилади. Уларнинг Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга доир дунёқараши, маънавият, тарих ва маданият соҳасидаги билимлари ҳам синаб кўрилади. Ана шу синовлардан муваффақиятли ўтган ёшларга чет эл олий ўқув юртларида таълим олиш учун Президент грантлари берилади. Бу — уларнинг хорижда ўқишини ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш демакдир.

**— Маннон ака, сиз боя халқ хўжалигининг устувор соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашга асосий эътибор қаратилади, дедингиз. Бу мутахассисликлар нималардан иборат?**

— Ўтган йили жамғарма томонидан эълон қилинган устувор мутахассисликлар рўйхатига иқтисод, халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология ва журналистика каби ихтисослар киритилган эди. Бу йил улар қаторига қурилиш менежменти, тоғ иши, машинасозлик, саноат дизайни, архитектура, рассомлик, мусиқа ва хонандалик каби мутахассисликлар ҳам қўшилди. Демакки, ёшларимиз ўз қобилиятини синаб кўриши мумкин бўлган соҳалар кўлами кенгайди.

**— Ўтган йилги танлов натижалари қандай бўлди? Унинг иштирокчилари йўлбошчимизнинг: "Биз фаровон келажагимизни бунёд этишда ёшларга суянамиз", деган ишончини оқлашга қодир эканликларини намоён эта олдиларми?**

— Дарҳақиқат, танлов натижалари халқимиз иқтидорли фарзандларга бой эканини кўрсатди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан вакиллар қатнашди. 200 нафарга яқин танлов ғолибларининг 75 фоизи олис қишлоқлардан, республикамизнинг турли бурчакларидан келган ёшлар эканини таъкидлаш, айниқса, қувончлидир.

Ана шу танлов якунлари бўйича АҚШ олий ўқув юртларига 99 нафар, Буюк Британияга 35 нафар, Германияга 9 нафар, Францияга 5 ҳамда Японияга 9 нафар талабани юборган эдик. Ҳозирги кунда улар таниқли олий ўқув юртларида устувор мутахассисликлар бўйича муваффақиятли ўқишяпти. Уларнинг ўқиши, ҳаётига тегишли барча масалаларда республикамизнинг шу давлатлардаги элчихоналари доимий ёрдам кўрсатиб турибди. Тегишли ташкилотлар орқали ёшларимиз ҳақида барча керакли ахборотларни ўз вақтида олиб турибмиз. Мисол тариқасида яқинда АҚШнинг АКСЕЛС ташкилотидан юборилган 1997-1998 ўқув йилининг биринчи семестри якунига бағишланган дастлабки ҳисоботни олайлик. Мамнуният билан айтишим мумкинки, чет эл олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларимиз юқори баҳоларга ўқишяпти. Бугунги кунларда ўзбекистонлик талабалар АҚШнинг Йель, Браун, Эмори, Вортон, Рочестер, Индиана, Миссури, Жон Маршалл; Буюк Британиянинг Манчестер, Бирмингем, Нотенгем, Ридинг, Лидс, Глазго; Германиянинг Фленсбург, Бремен; Японияннинг Хитотцубаши, Васеда, Кейо каби ҳамда бошқа дунёга таниқли университетларида танлаган мутахассисликлари бўйича муваффақиятли равишда таҳсил олишяпти. Бунга далолат сифатида АҚШ олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 99 нафар ўзбекистонлик йигит-қизларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан юборилган ёшлар ҳамда АҚШ талабаларига нисбатан бирмунча юқори натижаларга эришганликларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистонлик талабалар АҚШдаги 4 баллик баҳолаш тизимида 3,35 балл олишга муяссар бўлиб, олий ўқув юртлари раҳбариятининг, таҳсил бераётган ўқитувчиларнинг катта эҳтиромига сазовор бўлишди.

Яқинда АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти ижрочи директори профессор Дэвидсон жамғармамизда бўлганида қизиқ бир гапни айтиб қолди. Маълум бўлишича, асли ўзи америкалик бўлган мазкур профессорнинг ўғли университет синовларида ҳатто ўзбекистонлик талабаларнинг ўртача балича ҳам баҳо ололмабди. Бундай илғор талабалар қаторига АҚШнинг Пейс университетида таҳсил олаётган фарғоналик Қаҳрамон Жўрабоев, Эмори университетидаги наманганлик Қудрат Нурматов, Стетсон университетидаги андижонлик Нозимахоним Тожиматова, Браун университетидаги бухоролик Шуҳрат Қўзиев, Пейс, Индиана, Техас университетларидаги тошкентлик Бобур Ғофуров, Мирзо Ғуломов, Ўткир Мирсаидов; Буюк Британиянинг Мидлсикс университетидаги самарқандлик Озода Мўминова, Роял Ҳолловей ва Манчестер университетидаги хоразмлик Даврон Мадиримов, Мурод Ҳамроев ва тошкентлик Зафар Каримов; Японияннинг Хитотцубаши университетидаги тошкентлик Алишер Раҳимов каби иқтидорли талабалар киради.

Бундай натижалар жамғарма томонидан танловнинг сифатли ўтказилганидан далолат беради. Қолаверса, биз Беруний, Хоразмий, Форобий, Фарғоний каби буюк алломаларнинг авлоди, бой илмий-маданий мерос ворислари эканимизни тасдиқлайди.

**— Яқинда жамғарма томонидан янги ўқув йили учун навбатдаги танлов ўтказилди. Уларнинг якунлари тўғрисида нима дея оласиз?**

— Хабарингиз бор, бу йил жамғарма томонидан чет эл олий ўқув юртларида бакалавр ва магистр унвонлари учун таълим олишга ўтган йилгидан икки баравар кўп ёшлар юборилиши мўлжалланяпти. Шу мақсадда йилнинг бошида жамғарма қабул комиссияси республикамизнинг барча вилоятлари вакиллари бўлган 1600 нафардан ортиқ ёш ўртасида танлов ўтказди. Ундан муваффақиятли ўтган йигит-қизларимиз ҳозирги кунда келгусида чет элда таълим олиш билан боғлиқ бўлган жараёнларга тайёргарлик кўришяпти.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, яқин кунларда тажриба орттириш (стажировка) бўйича халқ хўжалигининг устувор соҳаларидан 100 нафар етакчи мутахассисни чет элларга юбориш мақсадида танлов бошланади. Бу йўл билан республикамиз мутахассислари дунёдаги етакчи компанияларнинг иш юритиш шакллари, ишлаб чиқариш технологиялари, менежмент ва маркетинг масалаларидаги тажрибасини ўрганиб келади ва уни халқ хўжалигимизда татбиқ қилиш имкониятига эга бўлишади.

**— Жамғарма фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар, келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталсак...**

— Тажриба камлигига қарамасдан, қисқа вақт ичида танлов жараёнларини ўтказиш тартиби тасдиқланди, синовларни ўтказиш учун республикамизда танилган етакчи мутахассислар, фан арбоблари, машҳур ёзувчи ва шоирлар жалб этилди. Фурсатдан фойдаланиб юқорида зикр этилган ишларнинг рўёбга чиқишида ўз ҳиссасини қўшган барча юртдошларимизга, турли соҳалар бўйича комиссия аъзоларига, хусусан, Банк-молия академияси жамоасига, бошқа ҳомийларимизга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Ўйлайманки, бир-икки йилдан кейин чет элда таълим олиб қайтган ёшларимиз республикамизнинг иқтисодий-сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари билан миннатдорликларини билдирадилар.

Келажакдаги ишлар ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда танлов ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш зарур. Президентимиз грантини олишга даъвогар ёшлар орасидан, ҳақиқатдан ҳам истеъдодли, Ватанга садоқатли, фидойиларни бехато танлай олиш керак. Шу мақсадда келгусида мактаб ўқувчилари орасидан, айниқса республикамиз вилоятлари вакиллари орасидан танланган иқтидорли ёшлар учун жамғарма қошида махсус академик-лицей ташкил этишни режалаштириб қўйганмиз. Олдимизга қўйган режаларимиздан яна биттаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда чет тилларни ўрганиш бўйича махсус марказ ёки курслар ташкил этишдир. Бу масалага алоҳида эътибор бераётганимизнинг сабаби кўпчилик вилоятларимизда чет тилини ўргатиш даражаси ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Бунинг натижасида эса ўз соҳаси бўйича иқтидорли бўла туриб, чет тилини яхши билмаслиги боис кўпгина ёшларимиз танловда иштирок эта олмаяпти. Махсус тил марказимиз эса бу камчиликларни йўқотишга бевосита ёрдам беради.

Бундан ташқари, чет элда ўқиётган ёшларимизнинг кундалик ҳаётидан, яшаш шароитидан хабардор бўлиб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бу масалалар хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз, ҳамкор ташкилотлар ходимлари орқали амалга оширилаётган бўлса, яқин келажакда элчихоналар қошида жамғармамизнинг махсус вакиллари орқали ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланяпти.

**— Маннон ака, жамғарма йўлланмаси билан хорижда ўқиётган ёшларимизнинг билим даражаси юқори эканини айтиб ўтдингиз...**

— Ҳа, бизнинг вакилларимиз ўқиш жараёнида билимга чанқоқ, тиришқоқ эканликларини намоён этмоқдалар. Бунинг исботи ўлароқ, илк қалдирғочларимиз - 1997 йил танлови ғолибларидан 15 нафари АҚШ ва Буюк Британия олий ўқув юртларидаги таълим олиш босқичларини муддатидан олдин муваффақиятли тугатиб, ҳозирда диплом ҳимояси билан машғул эканликларини айтиб ўтиш мумкин. Улар Ватанимизга ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича бакалавр, магистр унвонига эга бўлиб қайтишади. Ишонаманки, улар эртанги кунда халқ хўжалигимизнинг энг долзарб, устувор йўналишларида чет элда олган билимларини қўллаган ҳолда Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Мухтасар айтадиган бўлсак, "Умид" жамғармасининг фаолияти халқимиз илм-зиё салоҳиятини юзага чиқаришга, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга, Президентимиз айтганларидек, жаҳон тажрибаси ва билимларини эгаллашда ёшларга қанот бўлишга қаратилгандир. Бизнинг тажрибамиз билан МДҲдаги айрим давлатлар ҳам қизиқаётгани шундан далолатдир.

**Суҳбатдош**
**Аҳмад ХЎЖА**
**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИРҒИЗИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

# ИЛДИЗИ БИР ХАЛҚЛАРМИЗ



**Мамлакатимизда Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари муваффақиятли давом этмоқда. Жойларда турли учрашувлар, кўргазмаю томошалар, суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Қирғизистонлик қардошларимиз пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишмоқдалар.**

**Хўш, уларнинг илк таассуротлари қандай? Меҳмонлардан айримлари ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.**

**Эшимбой АБДУРАЗЗОҚОВ, Қирғизистон Республикаси Давлат котиби, делегация раҳбари:**

— Мен Тошкентга бундан атиги бир йил олдин келган эдим. Ўтган давр мобайнида мамлакатингизда ниҳоятда катта ўзгаришлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдим. Бу ўзгаришларнинг шиддати шу даражада тез, кўлами шу қадар кенгки, кишини шошириб қўяди. Қурилишлар, ободончилик ишлари, ишга тушаётган янгидан-янги корхоналар... Санаш қийин.

Очиғини тан олиш керак, бундай ўзгаришларни МДҲдаги бирор мамлакатда кўриш қийин. Бу, аввало юртингиздаги тинчлик ва барқарорлик, танлаган йўлларингизнинг тўғрилигию дунё мамлакатлари, жумладан, қўшни давлатлар билан алоқаларнинг яхши йўлга қўйилганлиги билан ҳам изоҳланади.

Ана шундай хайрли ишлар қаторида, Ўзбекистонда маданият ва маънавиятни юксалтиришга ҳам катта эътибор берилаётганлиги янада қувончли. Чунки, қардош Ўзбекистон халқининг ҳар бир ютуғи бизнинг ҳам ютуғимиздир.

**Чингиз АЙТМАТОВ, Қирғизистон халқ ёзувчиси:**

— Ўзбекистон замини қадимдан Марказий Осиё халқларининг маданий-маърифий ўчоғи вазифасини ўтаб келган. Унинг бутун Марказий Осиё халқлари жипслашувини янада кучайтиришдаги ўрни бениҳоя катталигини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Қирғизистон маданияти кунларининг ўтказилиши ҳам икки халқнинг — ўзбек билан қирғизнинг ўзаро бирлигини, яқинлигини мустаҳкамлайди.

Бундан икки йил муқаддам Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясига ҳам Тошкентда асос солинган эди. У йирик маданий тадбирларни ўтказиш, шу тариқа Туркистон халқларининг қадим қадриятларини тиклаш ва тарғиб этиш мақсадида тузилган. Ташкилотнинг Ўзбекистон пойтахти - Тошкентда жойлашгани ҳам бежиз эмаслигига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу шаҳар азалдан "Осиё дарвозаси" деган ном билан машҳур. У, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёнинг маёғидир.

Маданий алоқалар халқларнинг орзу-умидлари, анъаналари муштараклигини таъминловчи муҳим омиллардандир. Бугунги кунда Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек ва қирғиз халқларининг якдиллигини мустаҳкамлаш замонанинг тақозосидир. Ҳаётнинг ўзи барчамизни шунга ундамоқда. Яқиндагина ўз мустақиллигини қўлга киритган Марказий Осиё халқларининг порлоқ келажак сари илдам қадам қўйиши учун бошқа соҳалар қаторида маданият соҳасида ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатиш зарур. Бугун Қирғизистон маданияти кунларининг ўзбек заминида байрамона тарзда ўтаётгани халқларимизни янада жипслаштиради. Биз бир-биримиз билан яна ҳам яқинроқ бўлишимиз, қон-қардош халқларимиз орасига нифоқ солишдан манфаатдор кучлар ҳам йўқ эмаслигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Мамлакатингизда ўзимни ҳеч қачон бегона сезмаганман. Ҳар сафар Ўзбекистонга келганда кўксимни тўлдириб нафас оламан. Зотан,бу замин менинг ҳам Ватанимдир.

**Исо ТЎҚАЕВ, Қирғизистон Жўғорку Кенгеши раисининг ўринбосари:**

— Ўзбекистонда, хусусан, Тошкент шаҳрида катта ўзгаришлар бўлаётгани ҳақида кўп эшитган эдим. Ҳатто Бишкекда айримлар менга Тошкентга бориб, бўлаётган ишлар билан яқиндан танишишни маслаҳат ҳам берган эди. Тўғри айтишган экан. Аэропортдаёқ бунга иқрор бўлдим. Бундан уч йил илгари ҳам Тошкентда бўлган эдим. Бугунги Тошкент уч йил олдингисидан бутунлай фарқ қилади. Кўчалар равон, кенг, озода. Шаҳарда ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам шундоқ сезилиб турибди. Баҳор эса гўзал шаҳарга янада ўзгача тароват ва чирой бағишлаган.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистонда мақтаса арзигулик ишлар қилинган. Айниқса, қурилишга алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир. Биз, делегация аъзолари шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдик. Яқинда қурилган ва айни пайтда фаолият кўрсатаётган маъмурий бинолар ва маданият саройларида бўлдик. Олий Мажлис, Темурийлар тарихи музейи, "Туркистон" саройи, янги меҳмонхоналар шулар жумласидандир.

Улар ўзининг замонавийлиги, чирой ва салобати жиҳатидан ғоят эътиборли. Таъмири ва жиҳозланишида шарқ ва ғарб меъморлиги уйғунлашгани ҳам катта таассурот қолдирди. Албатта, бизда, Бишкекда ҳам шундай ишларни қилиш зарур. Бунда биз Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлардан ўрнак олсак арзийди.

Мамлакатингизда Қирғизистон маданияти кунларини кўнгилдагидек ўтказиш учун қирғизистонлик меҳмонлар учун барча шароит яратилган. Биз Ўзбекистон раҳбариятига, ушбу тадбирнинг барча ташкилотчиларига миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Гулмира САМУДДИНОВА, Қирғизистон миллий кутубхонасининг ахборот ва оммавий ишлар бўлими бошлиғи:**

— Бугун Тошкентдаги Навоий номли миллий кутубхонада Қирғизистонда чоп этилган китоблар ва иллюстрацияли нашрлар кўргазмаси очилди. Ушбу тадбир ҳам Қирғизистон маданияти кунлари доирасида ташкил этилган бўлиб, унда 300 дан зиёд асарлар намойиш қилинаяпти. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукумати ҳамда жамоатчилиги вакиллари, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси раҳбари Чингиз Айтматов иштирок этишди. Кўргазма «Буюк Ипак йўли бўйлаб» ҳамда «Чингиз Айтматов ва унинг юрти» деб номланган икки қисмдан иборат. Бизни тўлқинлантиргани, ўзбек биродарларимиз мазкур кўргазма фаолиятига катта қизиқиш билан қарашаяпти. Намойишлар залидан ўрин олган ҳар бир асарлар уларнинг назаридан четда қолгани йўқ.

Ўзаро суҳбатлар чоғида эса ўзбек дўстларимиз қардош қирғиз халқи турмуши, у ердаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб саволлар беришиб, ўз юртларида содир бўлаётган янгиликлар тўғрисида бизга сўзлаб беришди. Зеро, ўзбеклар ва қирғизлар — тарихан келиб чиқиши бир, қондош халқлардир. Биз ҳамиша бир-биримизга талпиниб яшаймиз. Бундай маданият кунларининг ўтказилиши эса мамлакатларимиз эришган мустақилликнинг меваларидан биридир, деб ўйлайман. Мана, илк бор сизлар бизни очиқ чеҳра билан қарши олдингизлар. Насиб этса, яқин кунларда сизларнинг ҳам қирғиз диёрига ташриф буюришларингиздан умидвормиз. Ахир, халқларимизда «Меҳр — кўзда» деган ҳикматли нақл бор. Бундай дийдорлашувлар ўртамиздаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашига ишонаман.

**Ирисбек ЖУМАҚУНОВ, Қирғизистон давлат фольклор ансамбли бош дирижёри, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби:**

— Ўзбекистонда ҳақиқий маънодаги улкан ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, Тошкент — Марказий Осиёнинг энг йирик ва замонавий шаҳридир. Менинг диққатимни жалб этган яна бир нарса, жўшқин шаҳар ҳаётида қатъий тартиб-интизом устувор экан. Биров-бировга халал бермайди, ҳамма ўз иши билан банд. Қабул қилинган қонунларга одамлар қаттиқ амал қилишаркан. Бундай ҳолни дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида кўриш мумкин. Аслида, ҳамма жойдаям шундай бўлиши керак-да.

Биз Ўзбекистонда ўтказилаётган Қирғизистон маданияти кунларида халқимизнинг қадимий миллий санъатини намойиш этишни мўлжаллаганмиз. Дастурга биноан ижодий гуруҳимиз билан Фарғона водийсида бир неча кун давомида концертлар берамиз. Ансамблимиз репертуаридан халқ қўшиқлари, лапарлар, оқинлар айтишувлари, достонлар ижрочилиги, куй ва рақслар ўрин олган. Сибизға, қўбиз, темирқўмис (чанқовуз), чўпачур сингари қирғиз миллий чолғу асбобларининг наволарини ўзбек қардошларимиз ҳам севиб тинглашларини яхши биламан. Биз кейинги бир неча йил давомида ижодий жамоамиз билан Туркия, Япония, Англия, АҚШ, Германия каби бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам ижодий сафарларда бўлиб қайтдик. У ерларда ҳам Марказий Осиё халқлари санъатини бениҳоя қадрлашар экан. Табиийки, буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидир. Шу маънода, истиқлол ўзбек учун ҳам, қирғиз учун ҳам тақдирнинг буюк иноятидир.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари**
**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**Равшан МАҲМУДОВ,**
**Аброр ҚИЛИЧЕВ**
**ёзиб олдилар.**



**СУРАТЛАРДА: Қирғизистон маданияти кунлари қатнашчилари Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалари залида.**
**А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ОИЛА ЙИЛИДА – ОИЛА КОДЕКСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ана шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлди. Тадбирда мамлакатимизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари, адлия ва суд идораларининг, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси, Адвокатлар ассоциациясининг ходимлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий суд, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оила манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилаётир. 1998 йил Оила йили деб эълон қилинганлиги шундан ёрқин далолатдир. Олий Мажлис ўн биринчи сессиясида қабул қилиниши кутилаётган Оила кодекси бу борада мустаҳкам қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Сўзга чиққанлар Оила кодекси, хусусан, унинг жамиятимизнинг асосий негизи ҳисобланган оилани мустаҳкамлашга қаратилган жиҳатлари — никоҳ шартномаси, ота, она ва бола ҳуқуқларининг давлат томонидан муҳофаза қилинишини кўзда тутувчи қоидалари тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирдилар. Қонунда никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигига кўра тиббий кўрикдан ўтказиш, қариндошлик тушунчаси, никоҳ ёши масаласи, миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг устуворлиги қайд этилганлиги айни муддао эканлиги таъкидланди. Кодекс халқаро ҳуқуқ нормаларига ва миллий менталитетга мос равишда ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Тушган таклифларни умумлаштириб, Олий Мажлисга тақдим этишга қарор қилинди.

Анжуманни Адлия вазири С. Мирсафоев бошқарди.

**(ЎзА)**

# КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да Россия Федерациясининг Свердловск вилояти корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Свердловск вилояти маъмурияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўтган йилнинг ноябр ойида Свердловск губернатори Эдуард Россел раҳбарлигидаги ушбу вилоят делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрган эди. Мазкур ташриф давомида Ўзбекистон билан Свердловск вилояти ўртасида узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, ўзаро савдо-сотиқ кўламини янада кенгайтириш, Тошкентда Свердловск вилояти савдо уйини очиш, бизнес-семинарлар, кўргазмалар ташкил этишга қаратилган ҳужжатлар имзоланганди. Шу боис мамлакатимиз билан Свердловск вилояти ўртасида иқтисодий ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётир. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон билан ушбу вилоят ўртасидаги савдо ҳажми 90 миллион АҚШ долларидан ошди. Свердловскликлар Ўзбекистонга қора металл ва металлпрокатлари, механик жиҳозлар, самолётсозлик саноатининг бутловчи қисмлари, турли кимё маҳсулотларини келтирса, ўз навбатида юртдошларимиз Свердловск вилоятига пахта, электротехника жиҳозлари, енгил саноат ва самолётсозлик маҳсулотлари ҳамда мева-сабзовот етказиб беради. Айни пайтда Асакадаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган Ўзбек автомобиллари ҳам Свердловск бозорларида чаққон харид қилинмоқда. Мазкур кўргазма икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлардан биридир.

Кўргазмада вилоятнинг етакчи корхоналари саналган, "Уралгидромаш", Артемовск шаҳридаги "ВЕНКОН" машинасозлик заводи, Ирбит автоагрегат заводи, "Урал оптика-механика заводи" каби 40 дан зиёд йирик корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма 17 апрелда якунланади.

**(ЎзА)**

